ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодиёт факультети профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, магистрантлар ва талабаларнинг 2016 йил 23-24-май кунлари ўтказилган «Демографик ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва Республикада миграцион сиёсат» мавзусидаги Республика илмий–амалий конференцияси материаллари

# ТЎПЛАМИ

Социал-экономикалық факультети профессор-оқытыўшылары, жас алымлары, магистрантлары ҳәм студентлери тәрепинен 2016-жыл 23-24-май күнлери өткизилген «Демографиялық раўажланыўдың социаллық-экономикалық машқалалары ҳәм Республикада миграциялық сиясат» атамасындағы Республикалық илимий - әмелий конференциясы материаллары

# ТОПЛАМЫ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Ижтимоий-иқтисодиёт факультети профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, магистрантлар ва талабаларнинг 2016 йил 23-24-май кунлари ўтказилган «Демографик ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва Республикада миграцион сиёсат» мавзусидаги Республика илмий–амалий конференцияси материаллари**

# ТЎПЛАМИ

**Социал-экономикалық факультети профессор-оқытыўшылары, жас алымлары, магистрантлары ҳәм студентлери тәрепинен 2016-жыл 23-24-май күнлери өткизилген «Демографиялық раўажланыўдың социаллық-экономикалық машқалалары ҳәм Республикада миграциялық сиясат» атамасындағы Республикалық илимий - әмелий конференциясы материаллары**

# ТОПЛАМЫ

**Нукус – 2016**

30 Каражанова Р.Ж. Влияние внешней миграции на национальную безопасность…… 247
31 Тўлаков У. Мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамияти…………………………………………………… 248
32 Жиемуратов Б.А., Адильчаев Р.Т., Айтбаев А., Аметова Ш.М. Аўыллық жерлердиң экономикалық жағдайын жақсылаўда социаллық инфраструктураның орны………………………………………………… 249
33 Каражанова Р.Ж. Дуньявий жузилик мийнет базары ҳәм оның аҳўалы…………… 251
34 Шоев А.Х.,Демографик муаммоларни бартараф этишда демографик сиёсатнинг роли ва услублари……………………………………………… 252

## 5-СЕКЦИЯ

1 Aliyarov O.A., Toshalieva S.T. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida aholi farovonligini oshirish – ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashning muhim asosi………… 254
2 Кенжабаев А.Т., Уразбаева Л.М. Некоторые вопросы применение инновационных компьютерных технологий в сфере образования………………… 255
3 Бектурсынова Л.Х. Меҳнат жамоасида- психологик иклим………………… 258
4 Кувондиқов Ш.О., Мухторов С.А. Оилавий тадбиркорлик ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни…………………………………………… 259
5 Махмудов О.Т., Туранов М.Ш. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари………………………… 262
6 Madreymova G. Bo`lajak iqtisodchi mutaxassislarning kommunikativ ko`nikmalarni va pedagogik mahoratini shakillantirishning pedagogik asoslari………… 263
7 Матуразова З., Алланазарова Ш. Мийнет психологиясындағы актуаль машқалалар 265
8 Муратбаева З. Ёшларнинг бандлиги доимий эътибордаги масала…………… 266
9 Оразбаева Г.. Балалар хәм өспиримлердиң хожалықтағы мийнет тәрбиясының өзине тән қәсийетлери…………………………………… 269
10 Назарбаев О., Закимов А.Аймақтың социал-экономикалық рaўажланыў бағдарлары………………………………………………… 270
11 Темирова У.С. Хотин-қизлар тадбиркорлиги ва бизнес фалсафасига ёндашувлар... 271
12 Уразбаева Г., Бабажанова Р. Янги дарслик -ёш мутахассислар назарида……… 275
13 Утемуратова Г. Проблемы формирования и управления качеством образования…. 277
14 Шакаров А.Б., Шодмонова З.У., Омонқулова М.Б. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари…. 279
15 Шакаров А.Б., Холбоев У.Х. Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишда кейс технологиясининг аҳамияти…………………………… 281

Басыўға рухсат етилген ўақты: 24.06.2016-ж. Қағаз форматы 60х84 1/16.

Көлеми 18,0 баспа табақ. Нусқасы 110 дана. Буйыртпа К-04.

Бахасы шәртнама тийкарында.

«FARMA PRINT NUKUS» ЖШЖ типографиясында басылды.

Мәнзил: Нөкис қаласы, А.Досназаров көшеси, 62-жай.

кәсиплердиң адам ҳәм оның организмине қойылатуғын талап, екинши тәрепи базар имканиятлары (мийнет базар талаплары, қайсы кәсиплер зәрүр ҳәм керекли), үшинши тәрепи өспирим қәбилетлерин билиў ҳәм мәмлекетлик сиясатты есапқа алыўдан ибарат.

Кәсиплик мәслаҳат-кәсипке бағдарлаў ситемасының бир бөлими болып, адам қәбилетлерин үйрениўге, тийисли мәсләҳәтлер бериўди тәмийнлеўши искерлик. Кәсиплик мәслаҳат үш басқышта әмелге асырылады:

1.Таярлаў (шаңарақтағы, мектепте оқыў-үйрениў арқалы алынатуғын мәслаҳатлер)

2.Шешиўши ямаса жуўмақлаўшы (9-класста алып барылатуғын жумыслар, оқыўды даўам еттириў формасы менен байланыслы болады)

3.Анықлаўшы (кәсип-өнер колледжи, лицей ҳәм жоқары оқыў орнында даўам етеди)

Кәсип таңлаўға бағдарлаўдың шешиўши дәўири адамның қандай да бир жумысқа эсте кирип барыўы, ийкемлесиўи басқышы менен байланыслы. Бунда оқыўшы шәкиртликтен тәжрийбели жумысшы дәрежесине өтеди.

Профадаптацияның еки басқышы бар: **таярлық, тиккелей кәсип ийелеў басқышы.**

Профадаптация жақсы әмелге асыўы, үш нәрсеге байланыслы:

1.Колледж оқытыўшылары ҳәм усталарының өз тараўлары бойынша қандай теориялық ҳәм әмелий билим бериўлери, көнликпе ҳәм тәжрийбе пайда етиўи, кәсипке қызығыўшылық пайда ете алыўлары ҳәм т.б.

2.Жумысшылар ҳәм басшылар ортасындағы шахсла-ара мүнәсибет формалары;

3.Оқыўшы барып түскен мийнет жәмәәтининдеги социал психологиялық орталық қай дәрежеде екенлигинеде байланыслы.

Социал психологиялық адаптация процессинде билиў, эмоционал ҳәм әмелий өлшемлери менен өзгешеленеди. Кәсиплик адаптация тәжрийбели жумысшы жетилисиўи менен өз жуўмағына жетеди. Бунда ең көзге тасланатуғын сыпат жумысшының мийнетке дөретиўшилик пенен қатнасын белгилейди. Бунда новаторлық ҳәм рационализаторлық өзгешеликлердиң орны әҳмийетли болып есапланады. Новаторлық-ислеп шығарыўда илим-техниканың ең соңғы жетискенликлеринен пайдаланыўға умтылыў. Рационализа-торлық - дөретиўшилик мийнет арқалы кем гәрежет ҳәм күш сарыплап көп ҳәм сапалы өним шығарыўға кирисиў, шахсий усыныслар менен шығыў ҳәм т.б.

## ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Муратбаева Замира. Тош ДАУ Нукус филиали

Мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш, айниқса,хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.Бандликни таъминлаш дастурининг шаклланиши бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Аввал унинг кўрсаткичлари туман, шаҳарлар, кейин эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар микёсида муҳокама қилиняпти. Шулар асосида мамлакат бўйича таҳлиллар ва маълумотлар умумлаштирилиб, хукумат томонидан дастур лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Дастурни шакллантиришда ҳудудларнинг ривожланиш даражаси, иш ўринлари эҳтиёжи, фуқаролар ва давлат имкониятлари ҳисобга олиняпти. Шунга мос равишда дастурнинг ижро жараёни ва уни назорат қилиш механизми ҳам такомиллашиб боряпти. Бошкача айтганда, иш ўринлари ташкил етиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда барча ҳудудлар ва тармоқлар қамраб олиняпти, давлат ва жамиятимизнинг саъй-ҳаракатлари шу масалага йўналтирилмоқда.

2016 йилга мўлжалланган бандлик дастури йўналишлари Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари ҳамда миллий қонунчилигимиз талабларига ҳар томонлама мувофиқ келади. Хусусан, унда ёшлар, мигрантлар ва аёлларни ишга жойлаштириш юзасидан қатъий чоралар белгиланган. Умуман, бандлик дастури утган йиллар давомида юртимизда аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ва самарали ҳужжатга айлангани, халқимиз, фуқароларимиз ушбу дастур натижаларига катта қизиқиш билан муносабатда бўлаётгани мутахассислар хулосаларида ҳам, ҳаётда ҳам исботини топмоқда.

-Дастурда кўзда тутилган иш ўринлари ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар билан узвий боғланган. Бу жараён йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, дастурнинг кўрсаткичларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлигини ошириш бўйича ҳар йили жиддий ишлар қилинаётгани, зарур чоралар кўрилаётганини таъкидлаш жоиз.

Дастурнинг ҳудудлар ва йўналишлар (тармоқлар) бўйича прогноз кўрсаткичлари меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, банд бўлмаган шахслар, қайтаётган меҳнат мигрантлари, шунингдек, саноат, курилиш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётининг бошқа тармоқлари, хизмат кўрсатиш ҳамда кичик бизнес ривожланиши билан боғлиқ умумий талабнинг хисоб-китобидан келиб чиқиб аниқланган.

2016 йилда 362,1 мингта иш ўрни яратиш ва 630,6 минг нафар кишининг бандлигини таъминлаш (жами 992,7 минг) кўзда тутилган.

Янги иш ўринлари мақсадли комплекс дастурларга мувофиқ янги объектларнинг ишга туширилиши, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ташкил этилиши белгиланган. Хусусан, янги иш ўринларининг 130,8 мингтаси-саноатда (15,5 мингтаси-кичик саноат ҳудудларида), 57,3 мингтаси-хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, 54,5 мингтаси - қишлоқ хўжалигида, 59,7 мингтаси-қурилишда, 59,8 мингтаси эса ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратилиши режалаштирилган.

Хўш, қандай қилиб бундай улкан натижаларга эришилади? Бу кўрсаткичлар инвестиция, саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурларини, саноат ҳудудларини ташкил этиш, қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига таъминланади.

Келгуси йил хусусий, якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш натижасида 335,1 минг нафар кишининг бандлигини таъминлаш кутилмоқда. Бунда Президентимизнинг жорий йилда қабул қилинган тегишли фармонларига мувофиқ хусусий мулкчиликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, уй мехнати, энг аввало, корхоналар билан меҳнат шартномаларига асосланган касаначилик, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик ривожланиши (125,9 минг нафар), деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавот маҳсулотлари етиштириш кенгайиши ҳисобига (169,6 минг киши) бандликни таъминлаш ҳисобга олинган.

— Бир неча йилдан бери Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан бандлик дастури ижроси, хусусан, таълим муассасалари битирувчиларини эгаллаган мутахассислигига кўра ишга жойлаштириш масалалари бўйича парламент эшитуви ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам шундай эшитув ўтказилди. Бундан кўринадики, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ЎзХДП учун принципиал аҳамиятга эга. 2016 йилга мўлжалланган дастурда бу борада қандай янги чора-тадбирлар белгиланган?

— Коллеж битирўвчиларининг ишга жойлашиши иш берувчи ёки битирўвчиларнинг ҳаракатигагина боғлиқ эмас, аксинча бу анча мураккаб жараён эканига ҳаётда кўп гувоҳ бўлиняпти. Шунинг учун ушбу масалада ота-оналар, таълим муассасалари, корхона-ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича масъулиятни кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган ягона мақсад фарзандларимизнинг ўзига ва келажакка ишончини оширишдан иборатдир.

Коллежни тамомлагач, омади чопмай олий ўқув юртига киролмаган, эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаган ёшларнинг кайфияти, руҳий ҳолати, ички кечинмалари ҳақида ўйлаб, ўзимизга тасаввур қилиб кўрсак, уларга давлат ва жамият ғамхўрлиги, сизу бизнинг эътиборимиз, ёрдамимиз қанчалик зарурлиги ойдинлашади. Бундай ёшлар олдида барча масъуллар, ҳаммамиз маънавий жавобгарлик ҳиссини туймоғимиз керак. Шу боис фракциямиз бандлик дастури ижроси бўйича ўтказилаётган парламент эшитувларида битирувчилар бандлигини таъминлашга ижобий таъсир этадиган омилларни чуқур таҳлил қилишга, шу асосда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга, мутасадди идора-ташкилотларнинг масъулиятини оширишга урғу бермоқда.

2016 йилда касб-хўнар коллежларини тамомлайдиган 511 минг нафардан зиёд касб-хўнар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини (барча обектив ҳолатларни инобатга олган ҳолда) ишга жойлаштириш мўлжалланган. Келгуси йил коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича янги услублар ҳам қўлланилади.

Биринчидан, коллежлар ва лицейларнинг ўқув жараёнига ёшларнинг иқтисодий билимлари ҳамда меҳнат муносабатларига оид кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган махсус ўқув-амалий курслар жорий етилади. Бундан ташқари, яна кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирлари, турли лойиҳалар амалга оширилиши кутилмоқда.

— Тан олиш керак, дастур ижросини сифатли ташкил қилиш енг долзарб вазифа бўлиб қолияпти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар йили тегишли чора-тадбирлар белгиланияпти.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот тизимидан фойдаланиб, дастурнинг туман ва шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар бўйича бажарилиши тизимли ҳамда доимий мониторинг қилинади.

Дастур ижроси реал вақт режимида таҳлил этиб борилади. Ушбу механизм тасдиқланган иш ўринлари ташкил етиш параметрларидан ортда қолиши кўзатилган корхоналар ва тармоқларни, бандлик йўналишларини, шунингдек, туманлар ва шаҳарларни аниқлаш имконини беради. Шу орқали дастур ижросини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Мамлакатимизнинг ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рабатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

– ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

– ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

– уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қўвватлаш;

– ёш тадбиркорларни бозор конюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

– ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

Меҳнатда иштирокини ошириш, меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш, ишсизликни камайтириш ва бошқалар